

Ҳозирги асрдаги жиҳод мавзусида уч имомнинг сўзи



Барча мақтовлар Аллоҳга хос. Унинг бандаси ва элчиси Муҳаммадга, у кишининг аҳли оила ва саҳобаларига Аллоҳнинг саловат ва саломлари бўлсин.

Ҳозирги асрда жиҳод мавзуси атрофида асримизнинг уч имомининг сўзларини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

1. Имом Албоний:

У киши раҳимахуллоҳ ҳозирги асрдаги жиҳод ҳақида шундай дедилар: «Шунинг учун мен, боя айтганимдек, жиҳод қилишни тўғри деб билмайман, деб айтмайман. Балки жиҳоддан ҳазир бўлишга чорлайман. Чунки нафс ва моддий воситалар мусулмонларга ҳар қандай ўринда ҳар қандай жиҳодни адо этишга кўмаклаша олмайди» («Силсила Худа ва ан-Нур» 353-касета, 14:50 дақиқа).

У киши раҳимахуллоҳ дедилар: «Балки мен бугунги кунда исломий ҳақиқатни гавдалантираётган нарсани айтаман, айрим эҳтиросга берилган мусулмонлар хоҳлаётган ҳақиқатни эмас. Айтаманки: бугунги кунда исломий ерларда мутлақо жиҳод йўқ» («Силсила Худа ва ан-Нур» 760-касета, 1:08:15).

У киши раҳимахуллоҳ дедилар: «Биз шундай эътиқод қиламизки, ислом оламининг бари, минг афсуслар бўлсинки, фақат Фаластин эмас, Аллоҳ йўлидаги ҳақиқий жиҳод босқичига етмаган...» («Силсила Худа ва ан-Нур» 344-касета).

2. Имом Ибн Боз

У киши раҳимахуллоҳнинг босқинчи яҳудлар билан сулҳ тузиш ҳақида машҳур фатволари мавжуд («Мажмуъ Фатово» (8/226-229)).

У киши раҳимахуллоҳ яна бугунги кундаги мусулмон жамиятларининг кўпининг ҳолатини Расул алайҳиссалоту вассаламининг Маккадаги жамиятларига ўхшатадилар. Жазоир аҳлига қарата айтган сўзлари шу жумладандир: «Шунингдек, Аллоҳ йўлига даъват қилиш Набий алайҳиссалоту вассалам ва саҳобалари уларнинг салтанати бўлишдан олдин Маккаи Мукаррамада бўлганлари каби. Улар одамларни қуролга даъват қилишмаган!» («Фатава улама ал-акабир фийма уҳдиرو мин димаъ фил Жазаир» (62)).

3. Имом Ибн Усаймин

У киши раҳимахуллоҳга ҳозирги асрда жиҳод қилиш ҳақида у вожиб бўладими дея йўлланган саволга шундай жавоб бердилар: «Вожиб бўлмайди. Балки унга тайёргарлик кўрмаган ҳолимизда жанг қилишимиз жоиз бўлмайди. Ҳозирда мусулмонлар қўлида кофирларга қарши жиҳод қилишга қодир бўлишадиган нарса йўқ. Ҳатто ҳимояланиш жиҳоди ҳам» («Лиқоат баб ал-мафтуҳ» 977-фатво).

У киши раҳимахуллоҳ жиҳод ва унинг ўлчов-меъёрлари ҳақида сўзлай туриб шундай дедилар: «Мен айтаманки: бизга ҳозир Америка, Франция, Англия ва Россияга қарши жанг қилишимиз вожиб бўлади дейдиган кимсанинг сўзи аҳмоқликдандир! Ахир қандай жанг қиламиз?! Аллоҳ азза ва жалланинг ҳикмати ва шарияти бундан бош тортади.

Бироқ бизга вожиб бўлгани Аллоҳ азза ва жалла бизга амр қилганини бажаришимиздир:

وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ

«(Эй мўминлар), улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингиз...» (Анфол: 60). Ана шу бизнинг зиммамиздаги вожибки, улар учун имконимиз борича куч-қувват ҳозирлаймиз. Ҳозирлайдиган энг муҳим куч-қувватимиз иймон ва тақводир. Сўнг эса қуролланиш.

Сўнг воқеъликда: агар ҳаракатлансак бошлар узилади. Бизнинг имконимиз йўқ!

Айтаманки: ҳозир вожиб бўлгани шуки, иймон ва тақвони ҳозирлайлик ва тер тўқайлик. Биз унга қодир бўлмаган нарсага мукаллаф эмасмиз. Аллоҳ азза ва жалладан ўша душманларга қарши мадад сўраймиз» («Булуг ал-Маром» Жиҳод китоби шарҳи, 1-касета).

Сўз охирида айтадиганимиз:

Айрим муҳолифлар сиздираётган нарса, аҳли сунна Ироқ ва Фаластин ҳамда бошқа жойларда жиҳод йўқ дейишлари билан омма орасида: «Улар мутлақо жиҳод йўқ деб билдилар, унинг шариятда мавжуд эканини инкор қиладилар» дея тухмат ва бўҳтон тўқишлари каби. Балки у очик-ойдин ёлғон, одамларни чалкаштиришлиқдир. Балки биз инкор қилаётган нарса жиҳодни ўз вақтида қилмаслик. Чунки у мусулмонларга улкан зарарлар келтиради. Унинг ортида жиҳод жорий қилинишидан кўзланган фойдалардан бирор нарса йўқ. Бу худди намозни вақти киришидан олдин адо этишни инкор қилган киши каби. Ахир у одам ҳақида намозни шариятда мавжуд эканини инкор қилди деб айтилмайди.

Аллоҳ тавфиқ берувчи ва тўғри йўлга йўлловчидир.

Манба: [Тавҳид форуми](#)